

*Мамажонов А., Алишеров А.*

**УЛУУ ЖИБЕК ЖОЛУН ӨНҮКТҮРҮҮДӨГҮ ЭЛ АРАЛЫК  
БАЙЛАНЫШ ТАРМАГЫ**

*Мамажонов А., Алишеров А.*

**МЕЖДУНАРОДНАЯ СЕТЬ СВЯЗИ В РАЗВИТИИ  
ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ**

*Мамажонов А., Алишеров А.*

**БҮҮОК ИПАК ЙҮЛИ РИВОЖЛАНИШИДА ШАХАРЛАРАРО  
АЛОҚА-КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОГИ**

*A. Mamajonov, A. Alisherov*

**INTERNATIONAL COMMUNICATION NETWORK  
IN DEVELOPMENT THE GREAT SILK ROAD**

УДК: 63.3(5)

Бул макалада элдердин ортосундагы соода-сатык иш аракеттери, мал жандыктарды айрбаштагандары, мурдан тан жолго көнгөндөн болонча маалымданды. Анткени «Жибек жолу» түшүнүгү 1877-жылы Немец географы Пауль Вильгельминдин «Китай» аттыу китебинде кездешкен. Улуу жибек жолу Жакының Чыгышы, Африка, Европа мамлекеттерин кербен жолу кызматын аткарып турган, натыйжасда шаарлар ортосунда кербен жолдорунун негизинде элдердин ортосунда карым катнаш, почта кызматтары жолго көнгөн. Бул кызмат Мамлекет жетекчилери гана эмес, жөнөкөй элдердин арасында да ал кызматын аткарып турган. Буга мисал болуп Кыргыз Республикасынын Баткен облусунда жайгашкан «Кара-Булак» корустөнү, Өзгөн районундагы Шурабашат шаар калдыгы болонча маалыматтар тақтап тургандыгы бағындалган.

**Негизги сөздөр:** Улуу Жибек Жолу, тейлөө, соода, почта, шаарлар, атайын бекеттер, жибек токкуу, Карабулак, Шурабашат.

В этой статье рассказывается о торговых операциях между народами, о начале разведения крупного рогатого скота, о том, как его начали разводить. Потому что концепция Шелкового пути появилась в 1877 году в книге немецкого географа Паула Вильгельмина «Китай». Великий Шелковый путь служил караванным путем стран Ближнего Востока, Африки, Европы, в результате чего между городами налаживались связи на основе караванных дорог, почтовые службы. Эта служба будет служить не только главам государств, но и простым народам. В качестве примера приводятся уточненные данные по кладбищу «Кара-Булак», расположенному в Баткенской области Кыргызской Республики, по остатку города Шурабашат Узгенского района.

**Ключевые слова:** Великий Шелковый Путь, обслуживание, торговля, почта, города, специальные станции, шелкоткачество, Карабулак, Шурабашат.

Мақолада инсонлар ҳаётида савдо-сотиқ ишлари қадимдан көнг түлгө күйилганиги, мол-товар айрбашлаши, маданий, иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкор бўлганиги, «Ипак йўли» атамаси илк бор 1877 йилда немис географ олими Пауль Вильгельмининг «Хитой» номли китобида пайдо бўлганиги, «Буюк ипак йўли» Яқин Шарқ, Африка ва Европа мамлакатларини боғлаб турувчи карvon йўли эканлиги, Марказий Осиёда қадим даврлардан бошлаб шаҳарлар

оралигидаги карvon йўллари бўйлаб алоқа-коммуникация тармоғи сифатида почта хизматининг йўлга қўйилганиги, бу хизмат нафақат ҳукмдорлар, балки, хусусий шахсларга ҳам тегиси хат-хабарларни манзилига етказиш вазифасини бажарганини, почта хизматида маҳсус ва давлат хизматлари мавжудлиги, Баткен худудида жойлашган Корабулоқ қабристони манбалари, Шурабашат шаҳар қолиғи Кыргызистон Республикасининг Ўзган шаҳри якнида жойлашганини ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

**Калим сўзлар:** Буюк Ипак йўли, хизмат кўрсатиши, савдо-сотиқ, почта, шаҳарлар, маҳсус бекатлар, ипак тўқималар, Корабулоқ, Шура-башат.

This article talks about trade operations between nations, about the beginning of cattle breeding, about how it began to be bred. Because the concept of the Silk Road appeared in 1877 in the book «China» by the German geographer Paul Wilhelmin. The Great Silk Road served as a caravan route of the countries of the Middle East, Africa, and Europe, as a result of which connections were established between the cities on the basis of caravan roads, postal services. This service will serve not only the heads of State, but also the common people. As an example, the updated data on the cemetery «Kara-Bulak», located in the Batken region of the Kyrgyz Republic, on the remainder of the city of Shurabashat of the Uzgen district are given.

**Key words:** Great Silk Road, service, trade, post office, cities, special stations, silk weaving, Karabulak, Shurabashat.

Буюк Ипак йўли ривожланишида ўзининг бетакрор аҳамиятига эга бўлган алоқа-коммуникация тармоғи турли-туман маданий қадриятларни бирлашувига ва ўзаро бир-бирини тўлдиришига хизмат килган, халқларнинг турмуш тарзига таъсир кўрсатиши билан аҳамиятлидир.

Инсоният тарихидаги мазкур алоқа-коммуникация савдо йўли Европани Осиё билан ўзаро боғлаган, Шарқ ва Фарб халқлари ўртасидаги тарихий-маданий алоқалар ва савдо муносабатларини эркин харакатла-ниши учун имконият яратган.

Инсоният қадим-қадим замонлардан минг йиллар мобайнида ўзаро савдо, маданий, иқтисодий ёки лўнда қилиб айтганда кўшничилик алоқалари олиб борган.

«Давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ало-

қалари қадимий тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари олис ўтмишда Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаган Буюк Ипак йўли замонларига бориб туташади. Мамлакатларимиз халқлари асрлар давомида савдо, илму фан ва гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорлик килиб, маданият, урф-одат ва анъаналаримиз доимо бирбирини бойитиб келган» [1, 403].

Бу алоқалар натижасида шаҳарлар пайдо бўлиб, кўпдан-кўп халқлар бир бирлари билан доимий мулоқотда бўлгандар: мол-товар айирбошлиш қилинган, маданий, иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкор бўлгандар. Бунинг натижасида фаолият турларига қараб ихтинослашган шаҳарлар пайдо бўлган. «Одамлар ўзига юклатилган маълум вазифаларни яхшироқ амалга ошириш учун шаҳар типидаги аҳоли пунктларини ташкил этган» [2,13]. Шу билан бирга улар савдо-сотик алоқаларига мўлжаллаб қулай ва қисқа йўлларни ҳам очганлар. Бу йўллар жуғрофий омиллар таъсирида қурукликда ёки сув орқали амалга оширилган. Ҳар бир даврни йўллари у ёки бу нарсани савдосига караб «ихтинослашган» бўлган. Маълумки қадимда «кумуш йўли», «ложувард йўли», «қипак йўли» деб номланган савдо-сотик йўллари мавжуд бўлиб, кейинчалик бу битта атама Буюк Ипак йўли номи билан атала бошлаган.

«Ипак йўли» атами сифатида илк бор 1877 йилда немис географ олими Фердинанд Пауль Вильгельм томонидан нашр қилинган «Хитой» номли китобда учрайди [3, 75].

Ушбу халқаро савдо йўли Хитойнинг Сиань деган жойидан бошланган ва Дунхуан аҳоли пунктида иккига бўлинган. Яъни шимолий ва жанубий йўлга ажралиб, биринчиси шимолий-гарбга, иккинчиси жанубий-гарбга томон йўналанган эди.

«Хитой манбаларида Шимолий йўл деб тилга олинган карвон йўли асосан Қашқарни Теракдовон ва Тау Мурун довони орқали Фарғона водийси билан боғлаган, карвонлар Эргаштот-Саритош-Гулча-Ўш-Андижон-Қўқон йўналиши бўйлаб ҳаракат қилганлар ва ундан бепоён кенгликларга чиқиб олганлар. Теракдовон орқали ўтган йўл қисқа бўлсада, лекин карвонлар учун мураккаб йўл эди. Бу довон билан на фақат Ўш шаҳрига, балким Анайку орқали Ўзганга ҳам кириб ўтса бўлар эди» [4, 27].

«Хитойда, Шаркий Туркистонда, Тибетда ишлаб чиқарилган қиммат-баҳо ипакли тўқималар, чинни буюмларни фарбий ўлкалар ишлаб чиқаролмас ҳамда бу товарлар олтин билан тенг баҳоланар эди» [5,154]. Шунинг учун ҳам бу маҳсулотларни айирбошлиш ипак йўли савдоси орқали амалга оширилган.

Турли худудлар ўртасидаги доимий алоқаларнинг йўлга кўйилиши ва ривожланиб бориши карвон йўлларида савдо карвонлари, чопарлар, сайёҳлар, эл-

чилик миссияси аъзолари ва умуман йўловчиларга хизмат кўрсатиш масаласининг ҳал этилиши билан бевосита боғлик эди. Қадимги давлатлар шаклланиб, халқаро алоқалар изчил йўлга кўйила бошлагач, транзит йўлларда хизмат кўрсатиш амалга оширила бошлаган жумладан, почта хизматини ва хавфсизликни таъминлаш давлат аҳамиятига эга вазифалардан бири бўлиб қолди.

Марказий Осиёда қадимги даврлардан бошлаб шаҳарлар оралиғидаги карвон йўлларида почта (лотинча posita-бекат, станция маъносини англатади) хизмати кенг йўлга кўйилган бўлиб, Буюк Ипак йўли бўйлаб ташкил этилган савдо-сотик худудларидаги барча маҳсус бекатларда хабарчилар, подшо чопарлари, озиқ-овқат ва чопкир отлари билан таъмин-лангланлигин гувоҳи бўламиз.

«Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг савдо йўлларида савдо карвон-ларига, сайёҳларга, ҳарбий кўшинларга ва умуман, йўловчиларга почта хизмати кўрсатиш янада такомиллашибди. Бу хизмат нафақат ҳукмдорлар, шу билан бирга, хусусий шахсларга тегишли ҳат-хабарларни ҳам манзилга етказиши вазифасини бажарган. Давлат аҳамиятига эга ҳат-хабарларни манзилга етказиши маҳсус девон назорат қилиб турган бўлса, оддий фуқароларга почта хизмати кўрсатиш кўпинча савдо карвонлари таркибидаги маҳсус кишилар орқали амалга оширилган. Ҳукмдор табақаларга тегишли ҳат-хабарлар давлат хизматидаги алоқачилар орқали амалга оширилгани, ривожланган ўрта асрларда бундай алоқа хизмати фаолияти изчил йўлга кўйилганлигидан далолат беради» [6, 298-299].

Юкоридагилардан келиб чиқиб Фарғона водийсида Буюк Ипак йўли ривожланишида шаҳарлараро алоқа-коммуникация тармогини умумий хусусиятлари билан бирга ўзига хос томонлари ҳам мавжуд дейиш мумкин.

Ўрганишлар натижасида ўтган асрнинг «60-70-йилларида Ю.Д. Баруздин Ўш вилоятининг Баткен худудида жойлашган эрамизнинг II-IV асрларига тўғри келадиган Қорабулук қабристонини ўрганилган. У ердан топилган мумиёланган жасадлар, устбош колдиклари, ёғочдан ясалган буюмлар бундан далолат беради. Бу қабристондаги барча матоларнинг учдан икки қисми ипак эди. Ипак матолар турлича: силлиқ матолар, ипак кимхоб, полихром матолар ва қаштацилик буюмларидан иборат эди. Узун бурунли афсонавий аждарларни ушлаб турган ярим ялангоч аёллар тасвирланган бўлаклар жуда қизиқ. Қўлида илонли маҳлуқлар бўлган аёл худо - қадимги дунё мифологиясида кенг тарқалган тасвирлардан эди. Қорабулук ҳазинасидаги ипак матолардаги баъзи нақшлар ўз дизайнида Жануби-Шаркий Осиёнинг нақшли ҳашамдор безак санъати сахналаридан келиб чиқ-

қанлигидан далолат беради. Қорабулоқ ипак маҳсулотлари орасида юз ёпинчиғи деб аталаған нарсалар алохыда ажралиб туради, булар рўмолча, кўз учун тутиладиган тўскич (оддийгина «кўзойнак» деб номланади), кўлда кўтариладиган сувдон, тамаки халтаси ва албатта кийим-бошлар эди. Дафн маросимида энг ажралиб турадиган нарса юз ёпинчиғлари ва кўз учун тутиладиган тўскич бўлган. Кейинчалик Қорабулоқдаги кўз учун тутиладиган тўскичлар ўрнини ипакдан ясалган кичик «ёстиқчалар» билан алмаштирилган [7, 157-158].

Маълумотларга қарагандо водийда 50 дан ортиқ археологик ёдгор-ликлар харитага туширилган. Улар Ю. Заднепровский, П. Гаврюшенко, Г.Юнусалиев, Б. Абдулғозиева, Б.Матбобоевлар томонидан тадқик қилинган. Йирик ёдгорликлар Шўрабашот (70 гектар), Қорадарё (10 гектар), Дўнгбулоқ (8 гектар) ва Тенеш (5 гектар). Шўрабашот шаҳар қолдиги Қирғизистон Республикасининг Ўзган шахри яқинида жойлашган олдинги «Шоробошот» совхозининг «Бўстон» бўлимидаги Ясси дарёсининг ўнг кирғогида, аникрофи, Андижон сув омборидан 2 километр шарқда жойлашган [8, 23-24].

Ўзган шаҳридан 8 километр шимолий-ғарбда, Қорадарё ирмоғи бўлмиш Ясси яқинида адирлар пойига ўрнашган Шўрабашот шахрини 1954 иили Ю.Заднепровский томонидан топилиб уч йил давомида ўрганилган. Ёдгорлик ўлчамлари жуда катта 1400X500 метр, қарийб 70 гектар майдонни ўз ичига олади. Шўрабашот қурилаётганда уч қисмдан иборат қилиб тикланган.

1. Ҳоким яшаган арк қисми. Уни ўрни тўрт бурчак тарҳга эга бўлиб ёдгорликни шарқий қисмини эгаллаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу ёдгорликни иккинчи номини Тўрткўл деб атаган. Ҳозирча уни факат айланга деворлари қолган. Ўртадаги бинолар бузилиб кетган. Бизнингча Тўрткўлни марказидаги баланд тепаликда бирор мухим бино қурилган бўлиши керак. Сабаб, тепани бир қисми ковланиб очилганда деярли тўрт метрли тагкурси (платформа) қолдиги очилиб ўрганилган. Тўрт метрли тагкурсига албатта оддий яшаш жойи қурилмаган бўлса керак.

2. Асосий турар-жойлар ўрни. Бу қисм кўпчилик аҳоли истиқомат қилган худуд бўлиши керак. Асосий бинолар қолдиги ва топилмалар ёдгорликни мана шу жойидан топилган.

3. Мол-кўй сақланадиган ва атроф худуд аҳолиси учун ташқаридан хавф туғилса жон

сақлайдиган макон ёки панагоҳ бўлган. Ҳар учала қисм ҳам мудофаа деворлари билан ҳимоя қилинган.

Шўрабашот ёдгорлигини моддий маданияти намуналаридан бўяб гул солинган сополдан ясалган уй-рўзгор буюмларини эслатиб ўтиш жоиздир. Чунки бундай сопол уй-рўзгор буюмлар бошқа ерларда учрамайди. Бундан ташқари Шўрабашотда терракота (куйдирилган лой) дан ясалган одамлар ҳайкали (юз қисми) топилган. Бу ҳайкалчалар антик давр Фарғона аҳолиси тўғрисида биринчи ашёвий тасвирий далиллар. Факатгина кейинги даврлардаги археологик тадқиқотлардан шуни нарса маълум бўлдики, Шўрабашот сополларига ўхшаш сополдан ясалган уй-рўзгор буюмлари Шарқий Туркистанда (Синцянъ) ҳам аниқланган [4, 31-32].

Хулоса қилиб айтганимизда, Буюк Ипак йўли ривожланишида шаҳарларро алоқа-коммуникация тармоғини почта тизими ва Баткен худудидаги Қорабулоқ, Шўрабашот ёдгорликларининг қискача тарихи билан танишдик ва шунга амин бўлдикки савдо йўли бўйидаги шаҳарларни ривожланишида алоқа-коммуникация тармоғи хисобланган почта хизмати, савдо карвонлари ва савдогарларнииг саъий харакатлари халқларни бир бирига боғлаб турганлар. Натижасида йўл бўйларида шаҳарлар бунёд этилган. Савдогарлар факат савдо иши билан банд бўлиб колмасдан ўз давлатларининг маҳсус топшириклари ни ҳам бажарип турганлар.

#### *Адабиётлар:*

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 2017. - 592 б.
2. Қаюмов А. Шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг минтақа ривожланишидаги аҳамиятини тадқик этишининг илмий асослари. // Андижон География ва глобализация: назария ва амалиёт. Халқаро илмий - амалий конференция материаллари. - Андижон, 2018 йил 21 май.
3. Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2007. - 280 б.
4. Матбобоев Б.,Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари. - Андижон, 1994. - 73 б.
5. Махмудов Қ. Қадимги Туркистан. - Т.: «Ижод дунёси», 2003. - 192 б.
6. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиши. - Т.: «Академия», 2008. - 431 б.
7. Матбабаев Б., Чжао Фэн. Ткани и одежда раннесредневековой Ферганы по материалам могильника Мунчактепа в Узбекистане. - СИР 2010. www.guji.co.cn
8. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Кўхна ва навқирон Андижон. - Т.: «Шарқ», 2010. - 160 б.